*«Улуғ ва бахтиёр оила» танловига*

# ИНСОН УМРИНИНГ ЗИЙНАТИ

***— Ҳаётингиздаги энг бахтли кунингиз?***

***— Етмиш учинчи йилнинг Наврўзи.***

***— Ҳаётингиздаги энг севинган кунингиз?***

***— Етмиш тўртинчи йилнинг Наврўзи.***

***— Ҳаётингизда энг ҳаяжонга тушган кунингиз?***

***— Яшашдан умидини узган инсонга яна ҳаёт бахш этган куним...***

Рўзимурод ака билан учрашганимда у кишига берган юқоридаги учта саволимга қайтарилган жавобларда бир олам маъно бор. Келинг, энди ана шу жавоблар мағзини чақайлик.

... Ўшанда, ҳаммаёққа баҳор чечаклари ўз маржонини таққан кезда, яъни 1973 йилнинг 21 март куни Рўзимурод ака илмий изланишларини ниҳоясига етказиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу куннинг яна бир нашъу намоси шунда эдики, худди шу куни уни қутлаш учун мўъжазгина қаҳвахонага йиғилган меҳмонлар Рўзимурод билан Зулайҳонинг бахт ва висол кечасини ҳам бирга нишонлашган эди...

...1974 йилнинг Наврўзи Рўзимурод аканинг ҳаётида энг севинчли кун бўлганининг боиси шу куни унинг оиласида фарзанд туғилди. Рўзимурод ака билан Зулайҳо опанинг ўшандаги севинчининг чеки йўқ эди...

...Рўзимурод ака ҳаётидаги энг ҳаяжонли кун — бу унинг яшашдан буткул умидини узган инсонни операция қилиб (буни қарангки, ҳисоб бўйича у ўн беш мингинчи операция эди) кўзларида унга нисбатан яна ҳаётга қайтарганлиги учун изҳор этилган туйғуларга шоҳид бўлиш эди...

Ҳа, биз бугун ҳикоя қилаётган Рўзимурод ака ва Зулайҳо опалар ўзларининг чорак асрлик бирга турмушларида яна қанчадан-қанча шодликларнинг, қувончли воқеаларнинг гувоҳи бўлишди. Улар ўзларининг никоҳ тўйлари куни келин-куёв шаънига билдирилган эзгу тилакларнинг рўёбга чиқишини ҳаётда ўз кўзлари билан кўришга муяссар бўлдилар. Бинобарин бундай тилакларни изҳор этган кимсан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ёзувчи Ҳаким Зоҳидий ҳам, тожикистонлик академик Яхё Раҳимов ҳам, профессор Султон Долимов ҳам уларга қўша қариб, қобил фарзандларга бош бўлиб, уларнинг камолини кўришни ният қилган эдилар.



Мана энди қарабсизки, ана шу эзгу ниятлар ҳаётда ўз ижобатини топиб турибди.

— Йигирма беш йиллик турмушимиз пайтида бирор марта бўлсада орамизда дилхиралик бўлмади, — дейди Рўзимурод ака. — Менинг оила танлашда ҳам омадим бор экан. Тақдирни қарангки, каминани Зулайҳодек оқила ва



меҳрибон қиз билан учраштирди. Бундан мен доимо Яратганга шукроналар айтаман.

— Танишишимиз жуда антиқа бўлган, — деб суҳбатга қўшилади Зулайҳо опа. — Раҳматли қайнотам хаста бўлганларида болаларимнинг дадаси уларни кўргани Каттақўрғоннинг Мойбулоқ қишлоғига борганлар. Ўшанда шу ердаги мактабда муаллимлик қилардим. Йўлда, аниқроғи автобусда ёнма-ён ўтириб қолдик. Шу баҳона бир-биримиз билан танишдик.

— Кейин-чи, — деб қизиқиб сўрайман Зулайҳо опадан.

— Ҳамма гап ана ўшанда-да, — дейди кулиб у. — Мен билим юртини тугатиб, Пайшанба қўрғонидаги мактабда ишлай бошладим. Кейин билсам шу мактабда Рўзимурод акамларнинг оналари — раҳматли қайнонам Азизахон



опа ўқитувчилик қилар эканлар. Жуда кўп зимдан мени кузатиб юрардилар. Йўқ, уларнинг ўғиллари билан хат ёзишиб туришимни умуман билмасдилар. Буни қарангки, бир куни Тошкентдан хат билан суратлари келди. Суратга боқиб турганимда бўлғуси қайнонам тасодифан келиб қолдилар. «Бу йигитни қаердан танийсиз?», — дедилар кулиб. Мен гуноҳкор боладек индамай туравердим. Кейин улар сўзларини давом эттириб дедилар:

— Бу менинг ўғлим Рўзимурод бўлади, ҳозир Тошкентда илмий иш билан машғул. Ҳадемай фан номзоди бўлади...

Хуллас, бу гапларнинг ҳаммасидан Рўзимурод акам хабардор бўлибдилар. Орадан кўп ўтмай уларнинг ўзлари келиб ҳамма нарсани ҳал қилдилар. Ота-онам уларга турмушга чиқишимга монелик қилишмади... Шундай қилиб Наврўз куни тўй кечамиз бўлди...

Биз эр-хотин Турдиевлар билан узоқ суҳбатлашиб юқоридагига ўхшаш кўпгина завқли ва қизиқарли ҳаёт лавҳаларидан огоҳ бўлдик, бу оила пойдевори доимо ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилгани бу ерда ҳукм суриб келаётган тотувликнинг асл боиси эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Бу орада оилада бирин-кетин фар-



зандлар дунёга келди. Зулхумордан кейин Дилхумор, сўнг Раъноxон ота-онага бир олам қувонч олиб келишди. Уларни тарбиялаш ва ўқитишни ўйлаган Рўзимурод ака ва Зулайҳо опалар фарзандларининг комил инсон бўлиб етишишлари йўлида бор куч ва ғайратларини аямадилар. Ўша никоҳ кечасида уларнинг оиласида фақат тўю тантаналар бўлишини орзу қилганларнинг ниятлари ушалди. Зулхумор ва Дилхуморлар вояга етгач уларнинг уйидан совчиларнинг қадами узилмай қолди. Рўзимурод ака ва Зулайҳо опалар қуда-андали, неварали бўлишди. Куёвлари Бахтиёр ва Шуҳратжон уларга ўғилдек фарзанд бўлишди. Невaралари Зилола, Зафар, Зиёдахонлар бобожони билан бувижонисини бир ҳафта кўрмаса хархаша қилиб қўйишмайди. Улар бутун оила аъзолари билан тўкин дастурхон атрофида жам бўлишганида хонадонлари янада ўзгача файзга тўлади.

— Инсон ҳаётга бир марта келганидан кейин унинг гаштини суриши, одамларга қўлидан келган яхшиликни қилиши керак, — дейди Рўзимурод ака. — Ўтаётган умримдан мамнунман. Одамлар хизматига камарбаста бўлаётганимдан, уларнинг шикаста қалбларига дармон бўлаётганимдан севинаман. Узоқ йиллардан бери хизмат қилаётган пойтахтимиздаги 17-клиник касалхона жамоаси орасида ҳурмат-эътиборим борлигидан фахрланаман...

Ҳа, одамлар раҳматига сазовор бўлиб яшашга нима етсин! Рўзимурод ака ва Зулайҳо опалар ана шундай бахтга муяссар бўлаётган минглаб бахтли оила соҳибларидан биридир. Уларнинг ўзлари меҳнат қилаётган ишхоналарида ҳам, истиқомат қилаётган Мирзо Улуғбек туманидаги «Турон» маҳалласида ҳам ҳурмат-эътиборлари ўзгача. Бу оила соҳиблари маҳалланинг тўй ва бошқа маросимларида ўз хизматларини аяшмайди. Қўни-қўшнилар билан ширин муомалалари туфайли бир гаплашган одам улар билан яна суҳбатлашсам дейди.

...Мақоламизни инсон ҳаётидаги энг бахтли, энг севинчли, энг ҳаяжонли кунлардан бежиз бошламаган эдик. Чиндан ҳам бундай файзиёб кунлар инсон умрининг гултожиси, ҳаёт зийнатидир. Биз бугун сизга таърифу тавсиф қилган Рўзимурод ака ва Зулайҳо опа Турдиевлар ана шундай ҳаёт завқидан баҳраманд бўлиб келаётган қалби дарё, меҳр-оқибатли, саховатли кишилардир. Уларга чиндан ҳам ҳавас қилса арзийди!

*Солиҳ ЁҚУБОВ.*

*СУРАТДА: Рўзимурод ака ва Зулайҳо опа Турдиевлар оиласида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*



*Наврўз*




**(Охири. Боши газетанинг олдинги сонида.)**

— Аҳсан-аҳсан офарин! Бу қизнинг қанчалик ёқимли ва ширин овози бор?!

Эркак овозини яқиндан эшитган қизлар уялишиб, чодраларини бошларига ташлаб, жим қолдилар. Узоқроқда овқат пишираётган аёл — Ойшажоннинг онаси деворга яқинроқ келиб қараса, Амир Алишер Навоий оталарча меҳрибонлик ила қизлар билан суҳбатлашаётган эди. Ойшажоннинг онаси уялиб туришган қизлар номидан Амир Алишер Навоийга хитобан чуқур эҳтиром ила шундай арз қилади:

— Ҳазрати Амир саломат бўлсинлар, Оллоҳ таоло умрларини зиёда этсин. Мен — содиқ навкарингиз Жамолиддин Исҳоқнинг аёли бўламан ва мана бу ҳозиргина қўшиқ айтган қиз — менинг қизим — Ойшажондир.

— Биз бугун Хиёбон атрофида қадам ташлаб юрган эдик, ёқимли ва дилнишин овозинг бизни бу ерга олиб келди. Қизим, қани айт-чи, бу қўшиқни кимга атаб айтдинг?

Қиз бироз уялиб ибо билан жавоб берди:

— Ҳазрати Амир, саломат бўлсинлар. Сизнинг лутфу иноятингиз билан шу кунларда Ҳиротда ҳамманинг қалбида бир эзгу орзу пайдо бўлган. Ҳар ким сидқидилдан орзу қиладики, Сизнинг улкан карвонларингизга қўшилиб Балх томонга, Мозори Шарифга борсалар ва Ҳазрати Али муборак туғларини кўтариш маросимида иштирок этсалар. Бундай ширин орзу бутун балоғатга етган қизлар қатори менинг қалбимда ҳам пайдо бўлди, мен ҳам Сиз ташкил этган карвонларга қўшилиб Мозори Шарифга сафар этишни истайман.

— Аммо бу сен шаънига қўшиқ тўқиган ва сенинг ажойиб муҳаббатингга мустафид бўлган Мулло Мамажон деган бахтиёр йигит ким бўлди экан, қизим? — кулиб сўради Навоий.

Шу куни Алишер Навоий икки ёшнинг ишқидан воқиф бўлди. Ошиқ ва маъшуқаларни бир-бирига тезроқ қовуштириш зарурлигини кўнглига тугиб қўйди.

Мулло Муҳаммаджон ўша кунлари ғоятда дилгир, ўз тақдиридан ниҳоятда нолиб юрар эди, ҳар доим маҳбубасини излаб борадиган севимли жой — Қаранфил булоғи ёнига ҳам бормай қўйган эди.

Кунлардан бир куни Мулло Муҳаммаджон мадрасага бориб, дарсларини ўтказди-да уйига қайтмоқчи бўлиб турган бир пайтда мадраса раҳбарлари уни Амир Алишер ҳазратлари ўз ҳузурларига чақиртирганларини айтдилар. Мулло Муҳаммаджон баттар саросимага тушди. Ёш мударрис мадрасадан чиқиб Амир Алишер ҳазратлари ҳузурига йўл олди. Йўлда уни минг хил ўйлар чулғаб олган эди: «Тағин, золим саркарда Жамолиддин Исҳоқ Амирга ҳам арз этган бўлса, Амир аччиғланиб мен шўрликка бирор жазо берсалар-а». Аммо Навоий меҳрибонлик билан Мулло Муҳаммаджонга қаради ва унга мулойим товуш билан деди:

— Эшитишимга кўра, сен сўнгги вақтларда мадраса дарсларига камроқ борар эмишсен, бирор ғаминг, ё мушкулотинг борми, Мулло?

Мулло Муҳаммаджон саросимага тушиб, тутилиб ғулдиллаб шундай жавоб берди:

— Ҳазрати Амир саломат бўлсинлар, мен бир фақир ва бечора мударрисмен. Сизнинг лутфу меҳрибонлигингиз туфайли баҳоли-қудрат мударрислик қилиб турибман.

— Йўқ, Мулло Муҳаммаджон, мен ҳамма асрорингдан огоҳмен, ҳеч нарсани яширмасдан менга айта бер! — Амир унинг оғир руҳий вазиятини сезиб, оталарча меҳр ва муҳаббат, мурувват ва меҳр-шафқат билан ундан яна сўради:

— Нега индамайсан, Мулло Муҳаммаджон, қани айт-чи, Ойшажоннинг ҳолидан хабаринг борми?

Севимли дилдори Ойшадан тамоман умидини узган ва қаттиқ ноумидлик ҳолатига келиб, ғоятда эзилиб юрган Мулло Муҳаммаджон ниҳоятда ҳаяжонланган, шодлик ва масрурликнинг иссиқ ва қайноқ ёшлари кўзларини тамоман қоплаб, Ҳазратнинг меҳрибон қўлларини олиб кўзларига суртиб кетма-кет ўпар эди. Амир Ҳазратларидай меҳридарё ва муҳтарам зотнинг ҳимоясини сезиб, ўзини ғоятда бахтиёр ҳис қилар эди. Шу аснода оташин ишққа, муҳаббатнинг ажойиб қудратига, бузургвор илоҳий неъмат бўлмиш ишқнинг ғоят зўр ва қудратли мўъжизасига яна бир бор тўла ишонган эди.

Мулло Муҳаммаджон улуғ Амир ҳузуридан қушдай енгил бўлиб чиқди, бечора ва нотавон отасини хурсанд қилмоқ учун уйига шошилиб келди ва Амир ҳазратлари билан бўлган воқеани бирма-бир отасига ҳикоя қилиб берди. Ноумидлик бутун қалбини, вужудини қоплаб олган, ўғли деб ғоятда таҳқирланган ва кўчага чиқолмай қолган бечора отанинг кўзларида яна умид учқунлари пайдо бўлди.

Эртасига Навоий ҳазратларининг ўзлари Мулло Муҳаммаджон оиласи номидан Ойшажонни сўраб Жамолиддин Исҳоқнинг уйига совчиликка бордилар. Саркарда Жамолиддин Исҳоқ Амир ҳазратларининг муборак қадамлари ўз остонасига тушганлигидан бағоят шодмон бўлиб, нафақат қизи Ойшани «Мулло Муҳаммаджонга беришга, балки тўй харажатларининг ҳаммасини ўз гарданига олишга» тайёр эканлигини Амир ҳазратларига маълум қилди. Бироқ Амир Алишер бунга рози бўлмади ва бу иккала ёшнинг тўй шодиёнасини ўзлари ўтказмоққа майли борлигини изҳор этдилар. Шундай қилиб, бутун Ҳирот аҳолиси карвонлар уюштириб, Мозори Шариф сафарига отланаётган пайтда Мулло Муҳаммаджон ва Ойшажоннинг тўй шодиёнаси ўтказилди. Ва бу иккала ошиқ ва маъшуқа билоҳира, Ҳазрати Навоийнинг лутфи ва эҳсони билан бир-бирларининг висолига етишдилар. Тўй тантанаси пайтида бошқа қўшиқлар билан бир қаторда Ойшажон томонидан тўқилган ажойиб қўшиқ ҳам Ҳиротнинг моҳир созандалари ва хонандалари томонидан ижро этилди:

***Биё, бурим ба Мозор, Мулло Мамажон,***
***Сайри гули лолазор, воҳ-воҳ, дилбаржон...***

Шу зайлда Мулло Муҳаммаджон ва Ойшажонлар ҳам бошқа ёшлар, қарилар, барча аҳоли билан бир қаторда биргаликда карвонларга қўшилиб Ҳиротдан Балх томонга равона бўлдилар, Мозори Шарифда Ҳазрат Алининг муборак туғларини кўтариш маросимида иштирок этдилар.

Ушбу ишқ қиссаси Ҳиротда жуда машҳур. Ҳозир ҳам ҳар йили Наврўзда аҳли Хуросон Ҳазрат Алишер Навоийни эслайдилар. Ойшажон ва Мулло Мамажоннинг муҳаббатини тараннум этиб, куйлайдилар...

*Ориф УСМОН.*

*Ҳамкасбларимиз*

## ЭНГ БИРИНЧИ КОТИБ

***Ҳалигача марҳум Саъдулла Круматовнинг бир гапи сира эсимдан чиқмайди. У бир суҳбатда «Тошкент оқшоми» газетасининг биринчи сонини Турғун иккимиз тайёрлаганмиз» деб қайта-қайта айтганди. Мана, ўша Турғун Авазов бугун олтмиш ёшда.***



Ўша пайтлари уни ҳазилкаш дўстлари «Энг биринчи котиб» дея аташарди. Сабаби, масъул котиблик вазифасини чин ихлос билан берилиб, адо этарди. Унгача у «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетаси таҳририятида масъул котиб эди. Қарийб, ўн беш йил мана шу газета таҳририятида ишлади. «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти жамоаси тўлиқ жамланганидан кейин эса Турғун Авазов яна «Ёш ленинчи»га бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишга тайинланди. 1973 йил кузида «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теле-радио дастури газетаси ташкил этилиб, Т. Авазов унинг муҳаррири этиб тайинланди. 1993 йили республикамизда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ўзбек тилида реклама-ахборот-тижорат нашри — «Ҳафтанома» чиқа бошлади, унга ҳам Турғун Авазов муҳаррирлик қила бошлаган. У ҳозир ҳам телерадио дастурига муҳаррирлик вазифасини оғишмай бажариб келмоқда.

«Оқшом»чилар жамоаси номидан, шунингдек ўз номимдан журналист дўстимиз Турғун Авазовга туганмас сиҳат-саломатлик ва улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз! Унинг ижодий ишида ҳамиша омад ёр бўлаверсин!

*Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ.*

*Саломатлик*

## ШИФО БАХШ ЭТАЁТГАН ҚЎЛЛАР

***Баъзан одамлар орасида «Фалончи қилтамоқ касалига йўлиқибди» деган гапни эшитиб қоламиз. Бундай пайтда айримлар «Боёқиш, начора, ризқ-насибаси тугаган экан-да» деб қўйишади. Қилтамоқ ҳақиқатан ҳам шунчалик хавфли, инсон умрига нуқта қўядиган хасталикми?***

— Йўқ унчалик хавфли эмас, — дейди профессор Абдуҳаким Ҳожибоев. — Одамда қилтамоқ пайдо бўлганда қизилўнгачдан қуюқ овқат ўтиши қийинлашади, киши шунда ҳам бепарво юраверса, кейинчалик суюқ овқатлар ҳам ўтолмайдиган бўлиб қолади. Агар қизилўнгачда овқат туриб қолиши каби нохуш ҳолатни илк бор бошидан ўтказган одам дарҳол шифокорга мурожаат қилиб саломатлигини текширтирса ва операция қилдирса, бошланиб келаётган дарддан осон фориғ бўлади. Чунки саратон хасталиги ўзини дарҳол намоён этавермайди. Дард ривожланишининг биринчи ва иккинчи босқичларида қилинган операциялар ижобий натижалар беради, учинчи босқичдан ҳам нималарнидир умид қилиш мумкин. Аммо тўртинчи босқичга чиққан саратонга биз бас келолмаймиз. Дарднинг дастлабки босқичлари ундан огоҳ бўлиш ва илдизини қирқиб ташлаш учун одам вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туриши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли академик Восит Воҳидов номли Жарроҳлик илмий марказининг қизилўнгач ва ошқозон жарроҳлиги бўлимида халқаро даражадаги жарроҳлик муолажалари ўтказилмоқда. Бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Абдуҳаким Ҳожибоев қўл остидаги шифокор-жарроҳлар қилтамоқ хасталигидан ташқари қизилўнгачнинг чандиқли торайиши ҳамда кардиоспазм касалликларини ҳам операция йўли билан муваффақиятли даволашмоқда. Ушбу бўлим ўз соҳаси бўйича республикамизда ягона даволаш масканидир. Зеро қизилўнгач операцияси жуда мураккаб бўлиб, 5-6 соат давом этади.

— Оғир хасталикка учраб Жарроҳлик марказига шифо излаб келдим, — дейди зангиоталик деҳқон Жўра ҳожи Бердиев. — Инсон ёши улуғлашгандан кейин операция столига ётиши осон эмас экан. Бу ердаги шифокор жарроҳлардан фақат Абдуҳаким ака Ҳожибоевгина операция муваффақиятли ўтишига тўла кафолат беришини билдирди. У кишининг қўллари ҳақиқатдан ҳам беморга шифо ато этар экан. Мана ҳозир ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетдим.

Қизилўнгач инсон танасининг жарроҳ учун жуда ноқулай жойига — киши кўкси оралиғига, яъни юракнинг орқасига ўрнашган. Баъзан шундай ҳам бўладики, хасталанган қизилўнгач ўрнига сунъий аъзо сифатида ўша бемор ошқозони ёки ичагининг бир қисми кесиб олиниб ўрнатилади. Бундай нозик операцияларни қилишда Абдуҳаким Ҳожибоевга жаҳон тиббиёти жарроҳлигидаги тажрибаларни мунтазам кузатиб бораётгани, уларни амалга татбиқ этаётгани, хорижий ҳамкасблари билан алоқалар ўрнатганлиги қўл келмоқда. Хусусан, у ўтган йили Мексиканинг Акапулько шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон жарроҳлари анжуманида ушбу муаммо бўйича маъруза ҳам қилди.

Умуман олганда сўнгги пайтларда Жарроҳлик илмий марказига ҳукуматимиз томонидан бир ярим миллион АҚШ долларилик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунга кўра марказ жаҳондаги энг нуфузли тиббий масканларда қўлланилаётгани каби замонавий даволаш ва ташхис қўйиш асбоб-ускуналарига эга бўлди. Бундай техник воситалардан Абдуҳаким Ҳожибоев раҳбарлик қилаётган бўлимда ҳам самарали фойдаланилмоқда.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

*Маънавият*

## «ТУРОН БОЛАЛАРИ»

Чилонзор туман қўшимча таълим мажмуида бўлиб ўтган кўрик-танлов ана шундай деб номланди. Унда тумандаги ўрта мактабларнинг 9- ҳамда 10-синф ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

Танлов савол-жавоб тарзида бўлди. Ўқувчилар улуғ алломаларимиз А. Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Камолиддин Беҳзод,Ибн Сино, Нодирабегим, Бобур, Амир Темур ва бошқаларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўз билим-маҳоратларини намойиш қилдилар.

Туман Халқ таълими бўлими ходимлари, «Қозиробод» маҳалла қўмитаси фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати 200-ўрта мактаб ўқувчиларини ғолиб деб топдилар. Иккинчи ўрин 138-, учинчи ўрин эса 131-ўрта мактаб ўқувчиларига насиб қилди.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

*Дониёр КАМОЛОВ.*

*Биласизми?*

## ГЎЗАЛ ТОШЛАР

САФСАР. Сафсар дегани қадимги юнон тилида «ҳушёр», «зийрак» маъноларини билдиради. Бу тошни аёллар ўзлари билан олиб юришса, юз терисини бир текис сақларкан. Нақл қилишларича, сафсардан қуёш ёки ой шаклини кесиб олиб юрилса, меъда-ичак касалликларидан сақларкан.

САПФИР. Сапфир ўзаро ишонч, тўғрилик ва босиқлик тошидир. Сапфир кишиларни бахтсизликдан, ғамгинликдан сақлайди, юракка қувват беради.

ЛАЪЛ. Ҳиндистонда ушбу асл тош ердан чиқади дея нақл этишган. Дастлаб у рангсиз бўлиб, кейин сарғаяди. Сўнгра кўк ва ҳаворанг, ниҳоят қизил ранг олиб жуда гўзал тошга айланади.

*Гўзал ХОЛИҚОВА.*

*Шифокор маслаҳати*

## ЮРАГИНГИЗ ҚАЙСИ ТАРАФДА

Баъзилар «Юрагимнинг қайси тарафда эканини билмайман, буни шифокор билсин-да», — дейишади.

Юракнинг қайси тарафда эканини билмаслик мақтаниб айтадиган гап эмас.

Мен бир воқеани айтиб берай. Маҳалламизда бир аёл яккаю ёлғиз ўғлига катта орзу-ҳаваслар билан келин қилди. Келинчак битта фарзандли бўлгач, юраги безовта бўлиб, ҳаво етмай, кўкариб қоладиган, ортиқча ҳаракат қилса терлаб кетадиган бўлиб қолди. Шифокорларга мурожаат қилишса, юрак пороги дея ташхис қўйишди. Қайнона келинчакнинг онасидан: «Бу хасталик бирданига пайдо бўлмайди, қизингиз болалигида касал бўлармиди?» — деб сўраса, — «Оёғи, томоғи оғрирди, жиддий бетоб бўлганлигини эслай олмайман», — дея жавоб қилибди она.

Кўриб турибсизки, инсон саломатлиги учун ниҳоятда керак аъзо — юрак хасталигига кўпчилик эътиборсиз қарайди. Баъзи бир жиддий беморликлар ана шу бепарволик оқибатида келиб чиқади. Масалан, тиббиёт тилида ревматизм дея аталадиган юрак-бўғим касаллиги бор.

Болаларингиз кичиклигида тез-тез томоғи оғрийди, бурун пардалари яллиғланиб, нафас олиши қийинлашади. Ёки оёғи оғриётганидан шикоят қилади, мажолсизланади, иштаҳаси йўқолади. Айрим оналар ўз билганича исириқ ҳидлатиб, томоғини, оёғини ёғлаб даволаб қўя қолади. Бу усулларда ҳам маълум даражада касалликка қаршилик бўлгани учун хуруж пасайгандек туюлади. Лекин бу алдамчи ҳолатдир. Юрак-бўғим касаллигининг бошланиши, ривожланиши ва кўтарилиш босқичлари бор. Ўз вақтида шифокорга юзланиб, хасталикни астойдил даволатмаса, оддийгина туюлган томоқ йиринглаши ё оёқ бўғимларидаги оғриқ жиддий асоратлар қолдириб, ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мен яқинда болалигидан ревматизм билан оғриган аёл билан суҳбатда бўлдим. Аёлнинг қўл-оёқлари шишган, ўтириб-туриши қийин.

— Кичкиналигимда оёқ-қўлларим бироз шишиб, сал-пал оғрирди. Ота-онам табибга кўрсатишган, у-бу муолажа қилишган. Шу бўйича қолиб кетганман.

Аёл ота-онасидан рози эмаслигини айтмаган бўлсада, буни ҳис этдим.

Агар ўз вақтида шифокорга олиб борганда, бу аёл ҳам бир хонадонга бека, гулдай фарзандларга она бўларди. Демак, у ўз вақтида зарур тиббий кўмакни ололмаган. Нима ҳам дердик, ҳамма иллатларнинг боши бепарволикдир.

Хуллас, фарзандингиз бирор мучасини оғриди, деб айтса эътибор беринг, ўтиб кетади деманг.

*Раъно АСЛАНОВА,*
*Тошкент шаҳар болалар кардиоревматология маркази шифокори.*

# АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

**Бугун футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон VII миллий чемпионати байроғи кўтарилади**

Бу йилги мавсумдан ишқибозлар ва мутахассислар кўп нарсани кутишмоқда. Ёзда Францияда бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари келажак футболининг қайси йўлдан боришини белгилайди.

Бинобарин, ушбу чемпионат баҳсларидан бизнинг чарм тўп усталаримиз, мураббию мутахассисларимиз тегишли хулоса чиқариб, ўзлари учун кўп янгиликларни олишларига шубҳа йўқ. Етакчи жамоаларимиз Осиё кубокларида қатнашадилар, декабрь ойида эса Таиландда навбатдаги Осиё ўйинлари бўлиб, унда Ўзбекистон терма жамоаси ўзининг чемпионлик унвонини ҳимоя қилади.

Ўйлаймизки, жамоаларимиз ушбу мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бутун куч-маҳоратларини сарфлайдилар. Бугун эса барча футбол мухлисларини байрамона тусда безатилган мамлакатимиз ўйингоҳларига таклиф этамиз.

# КЎКЛАМ МУЖДАСИ БУ...

Кўнгил баҳорни соғинди. Кўклам фаслини, уйғониш ва яшариш фаслини соғиндик. Баҳорнинг ишқибозлар учун яна бир туҳфаси бор. Айни шу эрка фаслда футбол ўз мавсумини бошлайди. Бугун Ўзбекистоннинг VII чемпионати старт олади. Қибрай ўйингоҳида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Туркманистоннинг энг кучли жамоаси саналмиш «Копетдоғ» билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Пахтакорчилар сафида Рустам Шоймардонов, Отабек Пирматов, Нўъмон Нурматов, Собир Ходиевлар тўп сурди. Учрашувнинг биринчи ярмида пахтакорчилардан Ёркин Назаров, Азамат Абдураимов, Николай Ширшовлар меҳмонлар дарвозасига хавф солдилар. Бироқ ҳисоб очилмади.

Иккинчи бўлимда меҳмонлар ҳисобни очди.

49-дақиқада Равшан Муҳадовнинг кучли зарбаси орқали тўп дарвоза тўрига бориб тушди.

Орадан кўп фурсат ўтмай меҳмонлар жарима майдончасида Дилмурод Назаровга нисбатан қўполлик қилдилар. Учрашув ҳаками ўн бир метрлик жарима тўпини белгилади. Бу имкониятдан Азамат Абдураимов фойдаланиб, ҳисобни тенглаштирди. Бироқ меҳмонларнинг устунлиги барибир сезилиб турди. Бир неча бор Павел Бугало зўр маҳорат кўрсатди. Бироқ меҳмонларнинг ҳужумлари яна гол билан якунланди.

Шундан сўнг пахтакорчилар кетма-кет ҳужумлар уюштирдилар. Бироқ учрашув охиригача шу ҳисоб ўзгармади. «Пахтакор» 1:2 ҳисоби билан майдонни тарк этди.

Учрашувни кузатган мухлислардан ўйин таассуротларини сўрадик.

Козим ҚАЮМОВ: «Пахтакор»дан чиройли ўйин кутган эдим. Аммо... Барибир бу йил «Пахтакор»нинг чемпион бўлишини истайман.

Соат ШАРИПОВ: «Туркманистонлик йигитлар ўйинни уюшқоқлик билан ўтказдилар. Мен эса бир гапни такрорлашдан сира чарчамайман: «Пахтакор» — ғалабангга ҳамма зор». Бу йилги мавсумда йигитларга омад тилайман.

*Раҳмон АЛИ.*

*Изҳор*

# ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Янги мавсум бошланиши арафасида хаёл мени ўтмишга етаклади. «Пахтакор» олий лигага чиққан илк йиллардаги унинг ўйини кинотасмаларга туширилгандек дилимизда муҳрланиб қолган. Айниқса, Г.Красницкийнинг қойилмақом жарима тўплари, ҳимоячи В.Штерннинг барқарор ўйини, дарвозабон Ю.Пшеничников моҳирона тўп илишларидан доимо ишқибозлар хушнуд эди. Б.Абдураимов эса бурчак тўпларининг энг яхши ижрочиси эди. Тўлаган Исоқовнинг чаққон ҳаракатлари, ажойиб комбинациялари ҳали ҳам мухлислар кўз ўнгида. Биз уларни бежиз эсламадик. Зеро, турли йилларда «Пахтакор» жамоасида тўп сурган футболчилар ўз даврининг тарихидир.

Энг қувонарлиси, ҳозирги «Пахтакор»нинг таркибига ҳам ўзининг хайрли анъаналарини тиклашга қодир футболчилар йиғилган. Дарвозабон П.Бугалога асло кўз тегмасин — унинг ўйини Яшин ва Пшеничниковларни эслатади. М.Қосимов эса Ҳ.Раҳматуллаев, М.Ан каби моҳир диспетчерларнинг муносиб издоши. Ажаб эмаски, ўтган йилги Биллур Кубок учун курашда охирги тўп йўллаб, жамоасига ғалаба келтирган Андрей Акопянц келгусида Коуифф, Марадона, Роналдо каби «юлдуз» бўлиб танилса. Хуллас, ушбу мавсумдан умидларимиз катта. МҲСК, «Трактор» жамоаларига ҳам омад тилаймиз.

*Абдулла ТОЛИПОВ,*
*меҳнат фахрийси.*

# ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

Мана, 40 йилдан ошдики, «Пахтакор»нинг мухлисиман. Футбол — ҳаётимнинг ажралмас қисми, унинг мазмунига айланиб кетган. Шу сабабдан янги мавсум олдидан жамоа аъзоларига ўз истакларимни баён этишга қарор қилдим.

Шуни истардимки, яшил майдонга тушган ҳар бир ўйинчи ортида Ватан, ишқибозлар турганини ҳис этиб, ўз ишига чуқур масъулият билан ёндошса. Биз ишқибозлар энг оғир дамларда ҳам севимли жамоамизга содиқ қолиб, уни доимо қўллаб-қувватлаб турганмиз. Майдонда чиройли, ҳужумкор ўйин бўлса стадион ҳам тўлиб, ундан доимо ишқибозларнинг шодон қийқириқлари янграб туради.

«Пахтакор» ўйинида кейинги пайтларда ўсиш борлигининг гувоҳимиз. Севимли командамиз нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларда ҳам юртимиз футболи довруғини кенг ёйса, нур устига нур бўларди. Ниятим шуки, Биллур соврин соҳиби бўлиб, «Пахтакор» мамлакатимиз чемпиони ҳам бўлиб қўш ғалабага эришса. Терма жамоамиз ҳам Осиё ўйинларида муносиб ўйин кўрсатиб, совриндорлар сафидан ўрин олса.

*Абдуманноп ТОЖИЕВ,*
*педагогика фанлари номзоди, доцент.*



*Қиш фаслидаги уч ойлик танаффус футбол ишқибозлари учун чексиз-чегарасиз муддатдек туюлади гўё. Бугун мухлислар узоқ орзиқиб кутган янги мавсумга яхшилаб тайёргарлик кўрган жамоалар катта орзу-умидлар билан яшил майдонга тушадилар. Ўйингоҳларда яна ишқибозларнинг шодон ҳайқириқлари янграйди. Ўйлаймизки, ўзбек футболининг еттинчи баҳори ҳам шу суратдаги каби ҳужумкор, қизиқарли ўйинлар билан бошланади.*

# ИШҚИБОЗЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНАДИ

***Навбатдаги VII миллий чемпионат арафасида биз «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятининг «Трактор» командаси бош мураббийси Равшан Ҳайдаровни суҳбатга тортдик.***

**— Равшанжон, мана бугун кўпчилик ишқибозлар орзиқиб кутаётган футбол бўйича Ўзбекистон VII миллий чемпионати бошланади. Унга сиз бошчилик қилаётган «Трактор» командаси қандай тайёргарлик кўрди?**

— Футбол бўйича олий лига командаларининг навбатдаги мавсумига биз декабрь ойидан бошлаб тайёрланмоқдамиз. Бу йил командамиз тайёргарлик ишларини ўз стадионида ўтказди. Ҳеч қаерда сафарда бўлмадик. Барча футболчиларимиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Ўқув машғулотлари ўз мажмуамизда ҳар куни икки маҳалдан олиб борилди.

**— Футбол ишқибозлари учун сир эмаски, қиш фаслида футболчиларнинг, мураббийларнинг у командадан бу командага ўтиши авж олади. Бу борада «Трактор» командасида қандай ўзгаришлар бўлди?**

— Декабрь ойининг бошларида командамизнинг бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Йиллик натижалар қайта кўриб чиқилди. Бир қатор ўйинчилар турли хил сабабларга кўра командани тарк этдилар. Улар Павел Силин, Александр Хвостунов, Юрий Шейкин, Андрей Ложковлардир.

Бугунги кунда командада доимий ўйинчилардан Алексей Евстафеев, Вячеслав Тамилин, Бургандин, Чубановлар фаолият кўрсатишмоқда.

Ёш, лекин умидли ўйинчиларимиз Андрей Дьяков, Денис Шульгалар бу мавсумда ўз маҳоратларини футбол ишқибозларига намойиш этадилар, деган умиддамиз. Асосий таркибдан кўнглимиз тўқ. Заҳирамиз етарли.

**— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига ҳам икки йил ўтди. Ўтган муддат ичида уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида командада қандай ишлар амалга оширилди?**

— Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори футболимиз равнақининг асосий тамойилларини белгилаб берди.

Барча футбол ишқибозларини қувонтирадиган нарса шуки, эртанги кунга замин қўйилди. Командамиз учун ўйингоҳнинг иккинчи майдони қурилиши мўлжалланяпти. Бу борада, айниқса Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг ва «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятининг ташаббускорлиги катта бўляпти. Агар бу ўйингоҳ битказилса, бу ерда заводнинг ҳаваскор ўйинчилари ўз маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўлар эди. Яна шуниси диққатга сазоворки, бошқа стадионлардан фарқли равишда «Трактор» ўйингоҳига кириш бепул. Бу эса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида халқимиз учун яратилган яна бир қулай шароитдир.

Навбатдаги мавсумда футбол ишқибозларини шинам ва қулай қайта жиҳозланган стадион кутмоқда.

**— Янги мавсумдан нималарни кутяпсиз?**

— 1998 йилги мавсум биз учун янада масъулиятли бўлади. Чунки бу йилги мавсумда олий лигада 16 та команда ўйнайди. Лекин ўйин қоидасига кўра 4 та команда худди олдинги йилдагидек олий лигадан чиқарилади. 2 та яхши ўйнаган олий лига командаларининг ўринбосарлари эса олий лигага киритилади.

Демак, 1999 йилдаги мавсумда 14 та команда олий лигада ўйнайди.

Бугун Урганч шаҳрида «Хоразм» командаси билан ўтказиладиган дастлабки ўйинда бор маҳоратимизни ишга соламиз, албатта.

23-мартда эса командамиз ўз ўйингоҳида Сурхондарёнинг «Сурхон» командаси билан учрашади. Шу куни Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ва «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятининг ташаббуси билан мавсумнинг очилиши Наврўз байрамига қўшилиб қўш байрамга айланади.

*Холида ИСКАНДАРОВА.*

# «ПАХТАКОР»: ҒОЛИБЛИКНИ КЎЗЛАБ

***«Пахтакор» жамоаси ўзининг илгариги мавқеини тиклаш йўлида изланмоқда. Ўтган йили республика кубоги мусобақасидаги ғалаба бу йўлдаги дастлабки салмоқли қадам бўлди. Бизнинг «Пахтакор» жамоаси бошлиғи Асқар Толибжонов билан суҳбатимиз ҳам янги мавсумга тайёргарлик ва бу йилги режалар хусусида бўлди.***

**— Асқар Имомжонович, пойдевори қанчалик пишиқ бўлса, бино ҳам шунчалик салобатли, улуғвор ва улкан бўлади, дейишади. Айтингчи, янги мавсумга тайёргарлик қачон ва қандай бошланди?**

— Ҳар доимгидек бу гал ҳам 26-27 декабрдан бутун жамоа жамландик. 4 январда ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтдик. Ўйинчиларнинг тиббий кўрик-назорат натижалари асосида иш режалари тузилди. Машғулотларни Қибрайдаги ўқув-машғулот базасида кунига 2 маҳалдан залда ва очиқ футбол майдонида ўтказдик. Бундан ташқари, футболчиларнинг чидамлилиги ва кучини ошириш мақсадида тренажёрлардан кенг фойдаландик. Жамоага янги қабул қилинган ўйинчиларнинг ҳолати, спорт формасини текшириш мақсадида бир қанча ўртоқлик назорат ўйинлари ўтказилди. Мавсумга тайёргарликнинг иккинчи босқичи сифатида эса «Пахтакор-79» хотира турнирида иштирок этдик. Шу билан бирга машғулотларни ҳам давом эттириб турдик.

**— Ушбу турнирда «Пахтакор» жуда яхши қатнашди...**

— Ҳа, дастлабки босқичда жамоамиз барча ўйинларни ғалаба билан якунлаб, ҳужумкор руҳда ўйнаган ҳолда ажойиб тўплар нисбатига эга бўлди ва гуруҳда биринчи ўринни эгаллади. Шуни таъкидлаш керакки, «Пахтакор-79» хотира мусобақаларида Миржалол Қосимов, Павел Бугало, Бахтиёр Ашурматов, Эркин Назаров, Отабек Пирматов каби чарм тўп усталари жуда чиройли ўйин кўрсатишди.

Хотира турнири дастлабки босқичининг якунланиши билан мавсумга тайёргарлик режасига асосан Бирлашган Араб Амирликларида 2 ҳафта давомида машғулотларни ўтказдик. Бу ерда ҳам кунига 2 маҳалдан яшил майдонда машқлар ҳамда қўшимча машғулотлар ўтказдик. Ушбу жараёнга кўмаклашувчи барча ёрдамчи воситалардан фойдаландик. Шаржа шаҳридаги «Ал Шааб» клуби ўйингоҳи базасида ўтказилган мазкур йиғин пайтида Қозоғистон ва БААнинг энг кучли жамоалари билан тўртта ўртоқлик учрашувлари ўтказдик. Бунда иккита ғалаба ва иккита дуранг натижа қайд этилди.

**— Ишқибозларни доимий қизиқтириб келадиган савол: бу — жамоа таркибидаги ўзгаришлар...**

— «Пахтакор»дан мураббийлар кенгашининг қарори ва клуб раҳбариятининг рухсати билан Мурод Отажонов, Андрей Микляев, Самад Нарзиқулов, Алексей Рошгин ва баъзи ёшлар бошқа жамоаларга ўтишди. Шунингдек, мураббийлар таркибида ҳам ўзгаришлар бор. А.Иванков ва Г.Цейтлинларнинг бошқа жамоаларга ўтиши муносабати билан бразилиялик мутахассис Убеража Вега да Сильва, илгари жамоа таркибида тўп сурган А.Убайдуллаев, Т.Шоймардонов, З.Расуловлар команда мураббийлари этиб тайинланди.

Энди жамоага таклиф этилган ўйинчилар ҳақида тўхталадиган бўлсак, «Дўстлик» жамоасидан Рустам Шоймардонов, Отабек Пирматов, Герман Безденежних, МҲСКдан Бахтиёр Ашурматов ва Бахтиёр Қамбаралиев, «Чилонзор»дан Фарҳод Мавлонов, «Навбаҳор»дан Зафар Мусабоевларни қабул қилдик.

Бундан ташқари бир қатор ёш, маҳоратли ўйинчиларни ҳам жамоага таклиф этганмиз. Ўйлайманки, улар ўз устларида астойдил ишласалар, жамоа асосий таркибидан ўрин оладилар.

**— Янги мавсумга тайёргарлик давомида нималарга асосий эътибор қаратилди?**

— Ўйинчиларнинг жисмоний ва техник ҳолатини такомиллаштириш, тактик тайёргарликка муҳим эътибор қаратдик. Бош мақсадимиз жамоанинг асосий таркибини аниқлаб «Пахтакор»нинг ўйин услубини такомиллаштириш эди.

**— «Пахтакор» ўйингоҳи мавсумга тахтми?**

— Албатта, ҳар доимгидек барча ўйинларни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ўтказамиз. Бундан ташқари барча йирик халқаро мусобақалар, турнирлар ҳам шу ерда ўтказилади. Энг муҳими, бу ерда барча шароитлар мавжуд, стадион ҳозирги замон талабларига жавоб беради.

**— 1998 йилги мавсумни қандай режалар билан бошлаяпсиз?**

— Албатта, ўз куч-маҳорат ва имкониятларимизни баҳолаган ҳолда бу йил мамлакат чемпиони бўлишни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Мамлакат Кубоги соҳиби номини яна бир карра сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз.

Ёз фаслида Осиё Кубок эгалари Кубоги баҳсларида яхши қатнашиш, декабрь ойида Таиландда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этадиган терма жамоамизга иложи борича кўпроқ ўйинчилар етказиб бериш ҳам янги мавсумга белгилаган асосий режаларимиз қаторига киради.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**«Беш-Ёғоч бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти**

акциядорларнинг умумий йиғилиши 1998 йил 22 апрель соат 10.00 да Тошкент ш., Чилонзор туман, Т. Тўла кўчаси, 71-уйда бўлишини маълум қилади.

Умумий йиғилишда иштирок этувчи акционерлар рўйхати 1998 йил 28 февраль ҳолатига тузилади.

**КУН ТАРТИБИ**

*1. Жамият бошқарув ҳайъатининг 1997 йил хўжалик молиявий фаолияти ҳисоботи.*

*2. Тафтиш қўмитасининг Аудитор текшируви натижаларига кўра хулосаси.*

*3. 1998 йил кирим ва чиқим сметасини тасдиқлаш.*

*4. Фойдани тақсимлаш. Дивиденд масаласи.*

*5. Кузатув кенгаши, Тафтиш қўмитаси ва Бошқарув ҳайъати таркибини қайта кўриб чиқиш.*

*6. Бошқа масалалар.*

Йиғилиш тайёрланиш бўйича ахборот ва унда кўриладиган хужжатлар билан «Беш-Ёғоч бозори» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг маъмурий биносида, Туроб Тўла кўчаси, 71-уйда танишиш мумкин

**Боғланиш телефони: 45-37-63, 45-37-57**

**«Беш-Ёғоч бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти 1 январь 1998 йил ҳолатига**

**БАЛАНСИ**

| | АКТИВ | ПАССИВ |
|---|---|---|
| 1. Асосий воситалар | 2089,5 | |
| 2. Капитал қўйилмалар | 233,8 | |
| 3. Ишлаб чиқариш заҳиралари | 64,7 | |
| 4. Олиб сотиладиган товарлар | 91,0 | |
| 5. Пул маблағлари | 371,9 | |
| 6. Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар | 19,0 | |
| 7. Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар | 50,0 | |
| 8. Устав капитали | | 1770,0 |
| 9. Тақсимланмаган фойда | | 309, 6 |
| 10. Кредиторлар | | 840, 3 |
| ЖАМИ: | 2919,9 | 2919,9 |

**«Беш-Ёғоч бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти акциядорлари**

***ДИҚҚАТИГА !***

**Акциядорларнинг 1997 йил учун 1998 йил 10 март куни чақирилган умумий йиғилишини бошқа кунга кўчирилганлигини маълум қиламиз.**

**Кузатув кенгаши**

© РИА «Т-Т»

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан

1998 йилнинг 16 мартидан 10 апрелигача

Ж. Обидова кўчаси, Ж. Обидова тор кўчаси, Тимирязев, Бодомзор, Башкирская, М. Ўрик, Раис кўчалари, Бодомзор-4 кўчаси, 2-Боғи Эрам тор кўчаси, 3-Боғи Эрам тор кўчаси, София тор кўчасида истиқомат қилувчи 34/35-абонентларида алоқа бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти**

Мақсади аниқ одамлар учун иш. Тел: 54-60-60.

Озишингизга, тўлишишингизга, соғломлашишингизга ёрдамлашамиз. Тел: 54-60-60.

Сергели туманининг Чоштепа кўчасидаги капитал таъмирлашдан чиққан, газ, телефон, канализацияси бўлган, нархи унчалик қиммат бўлмаган планли уй сотилади. Тушдан кейин 79-94-23 телефонига қўнғироқ қилиш мумкин.



Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

**Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

*Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.*

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ✤ Буюртма Г-01051. ✤ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ✤ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ✤ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ✤ Босмага топшириш вақти 11.30. ✤ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 .